

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРРАМОВ АЛИШЕР ҒАЙРАТОВИЧ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ МАНЗАРАЛИ
ДАРАХТЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанзари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Хуррамов Алишер Ғайратович

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги манзарали дарахтларнинг
замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари..... 3

Хуррамов Алишер Ғайратович

Грибные болезни декоративных растений в городе Ташкенте и
Ташкентской области и меры по борьбе с ними..... 21

Khurramov Alisher Gayratovich

Fungal diseases of ornamental trees in Tashkent city and Tashkent region and
the plant protection of them 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx172 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмуродов Эркин Авазович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжаев Шамиль Турсунович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» ИЮЛ соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (541178 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «6» ИЮЛ куни тарқатилди.
(2020 йил «3» МАРТ даги 0.91 -рақамли реестр баённомаси).



 **Б.А.Сулаймонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

 **Я.Х.Юлдашов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

 **М.М.Адилов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида манзарали дарахтлар касалликлари кенг тарқалган бўлиб, Европанинг ҳамма давлатларида, шунингдек Россия, Украина ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида замбуруғли касалликлар кучли зарар келтириши кузатилган. Табиатда экологик муҳитни яхшилаш, табиий биохилма-хилликни сақлаш, аҳоли яшаш пунктларининг санитария ҳолатини яхшилашни эътиборга олган ҳолда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва ўрмончилик соҳаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Табиатда экологик мувозанатни сақлашда, аҳоли яшаш пунктлари, шаҳар ва қишлоқларда об-ҳаво мусаффолигини таъминлашда манзарали дарахтларнинг аҳамияти юқори бўлиб, бу борада кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали дарахтларнинг маълум табиий иқлим шароитига мос турларини кўпайтириш билан биргаликда уларни зарарли организмлар, жумладан касалликлардан ҳимоя қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари – Италия, Германия, Франция, АҚШ, Хитой, ҳамда МДХ давлатларида манзарали дарахтларни асосий замбуруғли (занг, ун-шудринг, илдиз чириш, септориоз, алтернариоз, фузариоз, доғланишлар ва бошқа) касалликларининг тур таркиби, биологик хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини ўрганишга ва уларга қарши самарали кураш усулларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам касалликларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, зарарини ўрганиш асосида кенг тарқалган ва хавфли касалликларга қарши экологик хавфсиз, самарали ва илмий асосланган кураш тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424 сонли фармонида ҳам «...манзарали дарахтларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган¹. Бу борада зараркунанда ва касалликларга бардошли, тупроқ иқлим шароитига мос манзарали дарахт турларини кўпайтириш ва замбуруғли касалликларнинг кўпайишини олдини олиш усуллари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон иқлим шароити учун янги бўлган манзарали дарахт турларини маданийлаштириш ва уларда кенг тарқалган асосий замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикасини Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424 «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

ПФ-5853 сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 январдаги 31-сон «Ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва мониторингини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Манзарали ўсимликлар касалликларини ўрганиш бўйича хорижий ва МДХ мамлакатларида Kirk et al, Schoch et al, Томошевич, Э.С.Хусейн, В.А.Русанов, Т.С.Булгаков, И.Н.Александров, И.Б.Бильдер, И.Н.Колемасова, А.М.Жуков, В.А.Ярмолович, республикамизда Н.Г.Запрометов, Б.Д.Клейнер, Н.И.Гапоненко, С.С.Рамазанова, Е.С.Солиева, Ш.Г.Камилов, Х.Х.Нуралиев, Ю.Гоффоров, Ж.П.Шеркулова, Э.А.Мустафоев ва бошқа олимлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Адабий манбаларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистон шароитида режали асосда бажарилган манзарали дарахтларни касалликларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган, ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ҚХА-9-141-2015 «Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган мажмуавий дастурини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади манзарали дарахтларнинг замбуруғлар кўзгатадиган касалликларининг тур таркиби, уларнинг биоэкологик хусусиятлари ва зарарлаш даражасини ўрганиш асосида касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши илмий асосланган самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги манзарали дарахтларда тарқалган касалликларнинг тур таркибини аниқлаш;

манзарали дарахтларда тарқалган касалликларни ривожланиш хусусиятларини ўрганиш асосида гуруҳларга ажратиш ва иқтисодий жиҳатидан зарарли касалликларни аниқлаш;

аниқланган фитопатоген замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини

ўрганиш асосида кенг тарқалган касаллик кўзгатувчи замбуруғларни ажратиб олиш;

манзарали дарахтларда касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шароитида етиштирилаётган манзарали дарахтлардан: крим қарағайи, вергиния арчаси, элдор қарағайи, акация, сохта каштан, оддий эман, магнолия ва бошқалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги манзарали дарахтларда учрайдиган касалликлар, уларнинг ташхисларининг тавсифи, касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларининг культурал-морфологик, биологик, экологик хусусиятлари, тарқалиши, зарари, касаллик кўзгатувчиларга қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Замбуруғлар билан касалланган манзарали дарахтлардан гербарий намуналарини йиғишда ва замбуруғ турларини ажратишда М.К.Хохряков, Н.А.Наумов, К.Кирай, З.Каменский, В.И.Билай ва башка олимларнинг усулларидадан фойдаланилди.

Замбуруғ турлари И.Н.Абрамов, Н.А.Наумов, М.А.Литвинов, А.А.Милько, Т.Г.Мирчинк, В.И.Билай, Н.М.Пидопличко, М.К.Хохряков, В.И.Потлайчук ва бошқалар усуллари бўйича аниқланди.

Касалликларнинг ривожланиш даражасини А.Е.Чумаков, И.И.Минкевич ва бошқалар, уларнинг келтирган зарарини эса А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова усуллари ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Замбуруғ турларини тизимли жойлаштиришда G.C.Ainswort, G.R.Bisby монографиясидан фойдаланилди.

Ажратиб олинган замбуруғларнинг тур таркиби ва морфологик белгиларини ўрганишда универсал NU 2 E ва Motic-1 микроскоплардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри ва вилояти шароитида манзарали дарахт турларида тарқалган касаллик кўзгатувчи фитопатоген замбуруғларни зарарлаш даражаси аниқланган;

Тошкент шаҳри ва вилояти шароитида манзарали дарахтларда учраган микромицетларнинг 4 та бўлим, 7 та синф, 11 та тартиб, 14 та оила, 31 та туркум, 71 та тур ва 3 та шаклга мансуб турлари аниқланган;

манзарали дарахтларнинг асосий касалликларидан: илдиз чиришлар, турли хил доғланишлар, ун-шудринг ва занг касалликлари аниқланган;

манзарали дарахтларнинг асосий илк бор касалликларига қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган;

манзарали дарахтларнинг касалликларига қарши илмий асосланган самарали кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида экилган манзарали дарахтларнинг илдиз чириш касалликларига қарши синаб кўрилган уруғ дорилагич фунгицидлар қаторидан энг юқори самара кўрсатган: Максим, 2,5% сус.к. (ҳар 100 кг уруғга 40 гр), Витовакс-200, 75% н.кук. (400 гр/100 кг), ҳамда Топсин-М, 70% н.кук. (150 гр/100 кг) амалий ишлатиш учун тавсия қилинган; манзарали дарахтларга ўсиш пайтида зарар етказадиган ун-шудринг ва доғланиш касалликларига қарши кимёвий ишлов беришда қуйидаги фунгицидлар энг юқори самара берди: Альто Супер – 0,03%, Титул – 0,02%. Оддийлиги ва арзонлиги бўйича Бордос суюқлиги (0,05-1%) ҳам манзарали дарахтларни ўсиш даврида учрайдиган касалликлардан химоя қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларнинг ҳар йили апробация комиссияси кўригидан ўтказилганлиги, илмий-тадқиқотларнинг муҳокама этилганлиги, тажриба натижаларини статистик таҳлил этилганлиги ва олинган натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари Республика ва чет давлатларда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология, микология, ўсимликларни химоя қилиш соҳасидаги назарий билимларни ҳамда манзарали дарахтларда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг биологиясига тегишли маълумотларни кенгайтириш, соҳа мутахассисларини малакасини оширишда, олий ўқув юрти талабаларига Ўрмон фитопатологияси фанидан билимлар беришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти манзарали дарахтларнинг уруғидан экиб етиштириш ва вегетация даврида замбуруғлар кўзгатадиган касалликларни аниқлаб, чуқур илмий ва амалий таҳлил қилинганлиги ҳамда уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб бериш асосида касаллик кўзгатадиган замбуруғ турларига қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилганлигидан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент шаҳри ва вилоятдаги манзарали дарахтларнинг микромицетларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари асосида:

манзарали дарахтларни кўчатзорларда замбуруғли касалликларига (ун-шудринг) қарши Риндомил Голд МЦ 68% с.д.г. фунгициди 2,5 кг/га сарф-меъёрида қўллаш «Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасида 0,5 гектар майдонда жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат кумитисининг 2018 йил 28 декабрдаги 04/224-329 сон маълумотномаси). Натижада манзарали дарахтлар кўчатларининг замбуруғли касалликларига қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлиги 90,8%ни ташкил этган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида экилган манзарали дарахтларнинг ривожланиш даврида замбуруғли касалликларга қарши фунгицидлардан

Превикур SL 722 с.д.г, 1,5 л/га, Топсин М 70% н.кук., 1,5 кг/га сарф-меъёрида қўллаш «Дархан» тажриба хўжалигида 0,5 гектар кўчатзор майдонига жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 04/224-329 сон маълумотномаси). Натижада, кўчатзорларда гектарига назоратга нисбатан 2540 дона қўшимча кўчат сақлаб қолишга эришилди ва иқтисодий самарадорлик йилига ўртача 9010000 минг сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технология тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Манзарали дарахтлардаги касалликлар ва уларни қўзғатувчи замбуруғларни ўрганишга оид илмий маълумотларнинг таҳлили» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзуга таълуқли бўлган маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, расмий веб саҳифалар маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий иш натижалари ўрганиб чиқилган. Бунда, дунё ва Ўзбекистон олимлари томонидан олинган маълумотлар бўйича: манзарали дарахтларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, уларнинг ўсиш ва ривожланишига тўсқинлик қиладиган микроорганизмларнинг тур таркиби, ривожланиши ва тарқалиши, ҳамда кенг тарқалган касалликларнинг зарари, манзарали дарахтларнинг касалликларига қарши кураш чоралари бўйича мавжуд маълумотларга таяниб диссертациянинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жойларнинг географик таснифи ва иш усуллари» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот усуллари баён этилган.

Манзарали дарахтларнинг ўсиши, ривожланиши ва манзара ҳосил

қилиши учун Тошкент вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитининг мутлақо қулайлигини кўрсатди. Манзарали дарахтлар кўчатхоналарида уруғ, ниҳол ва кўчат касалликлари кўзгатувчилари тур таркибини Тошкент шаҳри ва вилояти шароитида ободонлаштириш ишларида фойдаланилаётган манзарали дарахтлардан касалланган ўсимлик гербарий намуналарини йиғиш, батафсил фитопатологик текшируви ўсимликларнинг вегетация даврида турли касалликларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ равишда 3 марта баҳор, ёз ва кузда амалга оширилган.

Касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларини аниқлаш В.В.Ульянишев (1969); Н.М.Пидопличко (1953); Т.А.Доброзракова ва бошқалар (1956); К.М.Степанов (1966); М.К.Хохряков, В.И.Потлайчук (1984); В.Ф. Купревич, В.Г.Траншель (1957); М.А.Литвинов (1967); М.В.Еллис (1971, 1976); Н.И.Гапоненко (1972); З.М.Азбукина (1974); В.И.Билай (1977) ва бошқа аниқлагичлардан фойдаланилди.

Касалликларнинг учраш даражаси, ривожланиши, хўжайин ўсимликлар шикастланишини, уларда касалликнинг зарари ҳамда кўчатлар сонининг камайиш миқдорини аниқлашда А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова, И.И.Минкевич, Ю.И.Власов, Е.А.Гаврилова, Л.Л.Великанов, И.И.Сидорова, Г.Д.Успенскаялар усулларида фойдаландик.

Фунгицидларни биологик самарадорлигини аниқлашда Ш.Т.Хужаев (2004) ва ЎзР Давлат кимё комиссиясининг «Методические указания...» (2004) усулларида фойдаландик.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги манзарали дарахтлар микромицетларининг таксономик таҳлили» деб номланган учинчи бобида микромицетларининг систематик жойлашиши келтирилган.

Манзарали дарахтларда учрайдиган микромицетларнинг турлар таркиби, уларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли 2016-2019 йилларда фасллар бўйича режали, илмий сафарлар олиб борилди. Келтирилган намуналарни микологик таҳлил қилинганда 4 та бўлим, 7 та синф, 11 та тартиб, 14 та оила, 39 та туркумга мансуб 71 та тур ва 3 та формалар микромицет турлари аниқланди.

Аниқланган умумий замбуруғларнинг энг кўпчилиги *Deuteromycota* бўлимига мансуб бўлиб, улар 50 та турни ташкил қилади. Улар тадқиқ этилаётган ҳудудда жами аниқланган замбуруғларнинг 70,4% ни ташкил қилди, кейинги ўринда *Ascomycota* бўлими вакиллари бўлиб, 14 та тур умумий микобиотанинг 19,7% ни ташкил қилди. *Basidiomycota* вакиллари – 5 та тур бўлиб 7% ташкил қилди. *Zygomycota* вакилларида 1 та тур аниқланди ва 1,4% ташкил қилди.

Диссертациянинг «Манзарали дарахтларнинг касалликларини ташхиси ва касаллик кўзгатувчиларнинг айрим биоэкологик хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида микромицетларининг хўжайин ўсимликлар билан боғлиқлиги ва биоэкологияси ҳақида маълумот келтирилган.

Тадқиқотлар давомида аниқланган барча замбуруғ турлари 21 та оилга мансуб 34 та тур ўсимликларда ривожланиши қайд этилди. Энг кўп замбуруғ турлари *Salicaceae* (терақдошлар) оиласига мансуб ўсимликларда – 21 та замбуруғ тури, *Pinaceae* (қарағайдошлар) оиласига – 16 та, *Cupressaceae* (сарвидошлар) оиласига – 6 та ва *Fabaceae* (бурчоқдошлар), *Aceraceae* (зарангдошлар), *Oleaceae* (зайтундошлар) оилаларида – 5 тадан, *Caprifoliaceae* (шилвидошлар), оилаларида – 4 та, *Betulaceae* (қайиндошлар) оиласида – 3 та, *Rosaceae* (раънодошлар), *Boraginaceae* (бинониядошлар), *Caesalpiniaceae* (бурчоқдошлар), оиласида – 2 тадан, қолган оила вакилларида 1 тадан потоген замбуруғ турлари учраши қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Патоген замбуруғларнинг манзарали дарахтлар оилалари бўйича тарқалиши

Хўжайин ўсимликларнинг оилалари	Хўжайин ўсимлик турларининг сони, дона	Ўсимликлар оиласида учрайдиган патогенлар сони, дона
<i>Salicaceae</i> (терақдошлар)	5	21
<i>Pinaceae</i> (қарағайдошлар)	3	16
<i>Cupressaceae</i> (сарвидошлар)	2	6
<i>Fabaceae</i> (бурчоқдошлар)	2	5
<i>Aceraceae</i> (зарангдошлар)	2	5
<i>Oleaceae</i> (зайтундошлар)	2	5
<i>Caprifoliaceae</i> (шилвидошлар)	2	4
<i>Betulaceae</i> (қайиндошлар)	1	3
<i>Rosaceae</i> (раънодошлар)	2	2
<i>Boraginaceae</i> (бинониядошлар)	1	2
<i>Caesalpiniaceae</i> (бурчоқдошлар)	1	2
<i>Celtidaceae</i> (қатрондошлар)	1	1
<i>Fagaceae</i> (эмандошлар)	1	1
<i>Juglandaceae</i> (ёнғоқдошлар)	1	1
<i>Magnoliaceae</i> (магнолиядошлар)	1	1
<i>Malvaceae</i> (гулхайридошлар)	1	1
<i>Mimosaceae</i> (дуккакдошлар)	1	1
<i>Moraceae</i> (тутдошлар)	1	1
<i>Simaroubiaceae</i> (айлантдошлар)	1	1
<i>Tamaricaceae</i> (қлғундошлар)	1	1
<i>Ulmaceae</i> (қарағайдошлар)	1	1

Манзарали дарахт турларида аниқланган турлар сони хўжайин ўсимликлар оилаларининг зарарланиш даражасини баҳолай олмайди. Шу

муносабат билан бизда касаллик кўзгатувчиларнинг учраш даражасига асосан уларнинг тарқалиши ва зарарланиш хусусиятларини ўрганиш имкониятлари пайдо бўлди.

Диссертациянинг «Манзарали дарахтларнинг касалликларига қарши кураш чоралари» деб номланган бешинчи бобида ўсимликларни химоя қилиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Илмий ишни бажаришда ажратилган куйдаги фитопатаген замбуруғ турлари тест-культура сифатида қўлланилди: *Fusarium solani* (sp), *Cladosporium herbarum*, *Alternaria alternata*, *Botrytis cinerea*, *Aspergillus niger*, *Stemphylium sarcinifopme*.

Тадқиқотда ўрганилган фунгицид дорилар касаллик кўзгатувчиларга нисбатан фаоллигини кўрсатди, аммо фақат айримларига нисбатан юқори кўрсаткич намоеън қилди. Масалан, Бордо суюқлиги айниқса доғланиш касалликларини кўзгатувчиларга қарши, Альто Супер эса (0,03%) – доғланишлардан ташқари, кулранг чириш, ишлаб чиқаришда эса айниқса уншудринг кўзгатувчиларга қарши юқори самара кўрсатди ва х.к. (2-жадвал).

2-жадвал

Манзарали дарахтларда касаллик кўзгатувчи замбуруғларнинг соф культураларини ривожланишига фунгицидларнинг таъсири (ўсишини чеклаши, мм)

№	Тажриба варианты	Касаллик турлари ҳамда уларни кўзгатувчиларининг фунгицидларга сезгирлиги					
		Сўлиш, чириш (<i>Fusarium solani</i> (f.sp))	Доғланиш (<i>Cladosporium herbarum</i>)	Доғланиш (<i>Alternaria alternata</i>)	Кул ранг чириш (<i>Botrytis cinerea</i>)	Доғланиш (<i>Aspergillus niger</i>)	Илдиз чириш (<i>Stemphylium sarcinifopme</i>)
1.	Бордо суюқлиги (БС), CuSO ₄ 1% эритма	3	4	4	2	5	3
2.	Титул, 39% эм.к. 0,025% эритма	4	4	4	5	5	3
3.	Колосаль Про, 50% эм.к. 0,03%	2	4	5	5	4	2
4.	Альто Супер, 33% эм.к. 0,03%	2	5	5	4	5	3
5.	Дуплет ТТ, 22,5% эм.к. 0,05%	4	5	5	2	5	3
6.	Фалькон, 46% эм.к. 0,04%	3	5	5	5	4	4
7.	Флутрифул, 25% сус.к. 0,05%	2	5	5	4	4	2
8.	Скорт, 25% эм.к. 0,05% (андоза)	2	4	5	5	4	4
9.	Назорат (тоза сув)	0	0	0	0	0	0

Шу кўрсаткичларга қараб, дорилар турли касалликларга қарши дала тажрибаларида синовлардан ўтказилди.

Тадқиқотда «Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси худудида уруғ дориларга мўлжалланган дорилардан 4 таси қўлланилиб, манзарали дарахтлардан крим қарағайи, виргиния арчаси, элдор қарағайи уруғи дорилаб экилди (3-жадвал).

3-жадвал

Фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши синалган уруғ дориларнинг биологик самарадорлиги
(«Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси, 2016-2019 йй.)

Фунгицид номи	Сарф меъёри, л, кг/100 кг уруғга	Назорат ўтказилган кунлар	Ниҳоллар сони, дона	Касалланган ниҳол сони, дона	Биологик самарадорлик, %
Максим, 2,5% с.к.	0,02	7	81	0	100
		15	81	2	88,2
		25	81	3	82,3
	0,04	7	86	0	100
		15	86	0	100
		25	86	0	100
Витавакс-200, 75% н.кук.	0,3	7	78	2	86,7
		15	78	5	68,7
		25	78	5	70,8
	0,4	7	81	1	92,8
		15	81	0	100
		25	81	3	82,3
Топсин М, 70% н.кук.	0,1	7	90	3	78,5
		15	90	4	75,0
		25	90	6	64,7
	0,15	7	84	2	85,7
		15	84	3	81,2
		25	84	5	70,6
Барака, 60% н.кук.	0,1	7	86	12	14,3
		15	86	10	37,5
		25	85	13	23,5
	0,2	7	89	2	85,7
		15	89	8	50,0
		25	89	8	52,9
Фундазол, 50% н.кук. (андоза)	2,0	7	76	0	100
		15	76	2	87,5
		25	76	2	88,2
Назорат (ишловсиз)	-	7	77	14	-
		15	76	16	-
		25	77	17	-

ЭКФ₀₅

3,9

Дориларнинг миқдори ҳар 100 кг уруғга нисбатан олинди. Ниҳоллар униб чиққанидан сўнг, 3 марта назорат ўтказилди (7-нчи, 15 ва 25-нчи

кунлари). Тажрибада андоза варианти сифатида кенг ишлатиладиган фундазол фунгициди ишлатилди; назоратдаги уруғлар ҳимоя қилинмади.

Олинган натижалардан кўриниб турганидек, синовда қатнашган дорилар орасида энг юқори самарани Максим, 25% лик сус.к. (0,04 л/100 кг уруғга) кўрсатди. Бунда 25 кунлик кўчатлар илдиз чириш касалидан 100% ҳоли бўлди. Кейинги ўринда Витавакс-200, 75% н.кук. (0,4 кг/100 кг уруғга). Самарадорлик 92-100-82% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар андозаникидан юқори бўлиб, амалиётда қониқарли ҳисобланади. Энг паст самарани Барака, 60% н.кук. (0,2 кг/100кг уруғга) кўрсатиб, уни қониқарсиз деса бўлади.

Шундай қилиб, амалиётда кенг ишлатиш мақсадида қуйидаги дорилар Давлат кимё комиссияси Рўйхатига киритиш учун тавсия этилди: Максим, 2,5% с.к. (0,04 л/100 кг уруғга) ва Витавакс-200, 75% н.кук. (0,04 кг/100 кг уруғга).

Манзарали дарахтлар ўсув даврида турли замбуруғлар сабабчи бўладиган: ун-шудринг ҳамда доғланишнинг турли кўринишлари билан зарарланадилар. Табиийки, буларга қарши курашилмаса, касаллик зўраяди: барг ва ниналар сарғая бошлайди, бир қисми қириб, тўкилади; ўсимлик ривождан орқада қолади, кўринимсиз бўлиб қолади. Шунинг учун, буни олдини олиш учун, самарали фунгицид рўйхатига эга бўлиш зарур.

Тадқиқотда «Дархон» тажриба хўжалиги худудида жойлашган ёш манзарали сохта каштан, оддий эман ва магнолия дарахтларида тарқалган ун-шудринг ҳамда доғланишларга қарши «Рўйхат» дан танлаб олинган бир қатор фунгицидларни синовлардан ўтказилди. Ишловлар осма моторли қўл пуркагичлари ёрдамида, ҳар гектарга ҳисобларга асосан 900 л/га сув сарфлаб ишчи эритмаси тайёрланиб сепилди. Ҳисоблаб назорат қилиш ишлари дори сепилганидан кейин 18 кун давомида ўтказилди.

Каштан ва магнолия дарахтларда ун-шудрингга қарши қуйидаги фунгицидлар айниқса юқори самара бериб, андоза вариантдан ҳам қолишмади: Титул (0,02% куюқликда), Колосаль Про (0,03%), Альто Супер (0,03%), Фалькон (0,035%), Флутрифул (0,03%), ҳамда Бордо суюқлиги (0,5% лик) (4-жадвал).

4-жадвал

Манзарали дарахтларнинг ун-шудринг касаллигига қарши синалган фунгицидлардан олинган биологик самарадорлик

(Дала тажрибалари, «Дархон» тажриба хўжалиги, 2016-2019 йй.)

№	Вариантлар (фунгицидлар)	Соф моддаси	Ишчи эритма куюқлиги, %	100 баргдан зарарлангани, дона				Самарадорлик, % кунларга				
				Дори сепиш-гача	Дори сепилганидан кейин, кунларга				3	7	12	18
					3	7	12	18				
1.	Бордо суюқлиги	<i>мис хлорокиси</i>	0,5	14	7	3	6	10	56,5	98,8	76,1	76,5
2.	Титул, 39% э.м.к.	<i>пропиконазол</i>	0,02	21	2	0	0	7	91,7	100	100	89,0
3.	Колосаль Про, 50% э.м.к.	<i>пропиконазол-300 г/л + тебуконазол-200 г/л</i>	0,03	20	5	7	0	14	78,2	74,0	100	77,0
4.	Альто Супер, 33% э.м.к.	<i>пропиконазол-250 г/л + ципроконазол-80 г/л</i>	0,03	31	2	7	3	11	94,3	82,3	94,6	88,3
5.	Дуплет ТТ, 22,5% э.м.к.	<i>тебуконазол-125 г/л + триадиимефон-100г/л</i>	0,04	27	13	1	13	21	74,2	67,0	73,2	74,4

4-жадвал давоми

6.	Фалькон, 46% эм.к.	тебуконазол+спиро- ксамин+триадименола	0,035	19	2	0	6	8	90,8	100	82,4	86,1
7.	Флутрифул, 2,5% сус.к.	флутриафол	0,03	31	0	0	6	10	100	100	89,2	89,4
8.	Скорт, 25% эм.к. (андоза)	дифеноконазол	0,02	30	6	0	3	14	82,6	100	94,4	84,6
9.	Назорат (ишловсиз)	-	-	20	23	2	36	61	-	-	-	-
ЭКФ ₀₅									4,9	5,9	6,2	3,1

Ўша шароитларда тажрибадаги фунгицидлар доғланиш касалликларининг турли кўринишларига қарши бир йўла синовдан ўтказилди. Бунда асосан дарахт баргларида намоиш бўладиган доғ сони ва даражаси инобатга олинди. Барча синовдан ўтказилган фунгицидлар, шу жумладан андоза сифатида олинган Скорт (0,02%) ҳам энг юқори ижобий натижа кўрсатди. Назорат давом этган 18 кун ичида барча фунгицид ишлатиб ҳимояланган дарахтларда 85-90-100% биологик самара олинди (5-жадвал).

5-жадвал

Манзарали дарахтларнинг доғланиш касаллигига қарши синалган фунгицидлардан олинган биологик самарадорлик
(Дала тажрибалари, «Дархон» тажриба хўжалиги, 2016-2019 йй.)

№	Вариантлар (фунгицидлар)	Соф моддаси	Ишчи эритма куюқ- лиги, %	100 баргдан зарарлангани, дона				Самарадорлик, % кунларга:				
				Дори сенин- гача	Дори сепилганидан кейин, кунларга:			3	7	12	18	
					3	7	12					18
1.	Бордо суюқлиги	мис хлорокиси	0,5	18	8	3	12	21	75,2	91,8	68,5	57,3
2.	Тигул, 39% эм.к.	пропиканазол	0,02	26	2	0	0	8	95,7	100	100	88,7
3.	Колосаль Про, 50% эм.к.	пропиканазол- 300 г/л + тебуконазол- 200 г/л	0,03	36	3	0	0	4	93,6	100	100	95,9
4.	Альто Супер, 33% эм.к.	пропиканазол- 250 г/л+ ципроканазол- 80 г/л	0,03	23	0	0	7	12	100	100	85,5	80,9
5.	Дуплет ТТ, 22,5% эм.к.	тебуконазол- 125 г/л + триадиимефон- 100 г/л	0,04	31	2	7	0	12	43,3	88,8	100	85,8
6.	Фалькон, 46% эм.к.	тебуконазол+ спироксамин+ триадименола	0,035	30	3	0	0	3	94,4	100	100	96,3
7.	Флутрифул, 2,5% сус.к.	флутриафол	0,03	44	12	0	0	12	84,8	100	100	90,0
8.	Скорт, 25% эм.к. (андоза)	дифеноконазол	0,02	24	0	0	7	10	100	100	86,2	84,7
9.	Назорат (ишловсиз)	-	-	34	61	69	72	93	-	-	-	-
ЭКФ ₀₅									4,1	7,6	4,9	3,2

Фақат Бордо суюқлиги бироз паст самара берган бўлсада, бу фунгициднинг оддийлиги ва арзонлиги инобатга олинса, унинг ҳам ўз ўрнига эга эканлиги яққол кўринади.

Диссертациянинг «Манзарали дарахтларнинг касалликларига қарши курашишнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бўлимида касалликларга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган усулнинг иқтисодий мақбуллиги таҳлил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилиш учун ўтказиладиган ҳар бир тадбир, жумладан уларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш харажатлари албатта ўзини иқтисодий оқлаши зарур.

Бу борада зарарли организмларга қарши илмий асосланган муддатларда, восита ва усулларни тўғри танлаб, кураш тадбирларини ўтказиш хўжалик ва иқтисодий самарадорликнинг юқори бўлишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш, айниқса бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатдики, Максим, 2,5% с.к., (0,4 л/т) ва Витавакс-200, 75% н.кук., (0,4 кг/т) сарф-меъёрида қўллаб уруғни зарарсизлантирган кўчатларни назоратга нисбатан сақланиб қолиши 8900-8200 донани ташкил этиб, ўтказилган ишловнинг рентабеллиги 741-126% ни ташкил этди (6-жадвал).

6-жадвал

Виргиния арчасининг кўчатхоналаридаги фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши қўлланилган уруғ дориларига препаратларни хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги

(«Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси, 2016-2019 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		Назорат	Максим-0,4 л/т	Витавакс-4 кг/т
1.	1 гектардан олинган кўчат сони, <i>дона</i>	62 400	71 300	70 600
2.	Назоратга нисбатан сақлаб қолинган кўчатлар сони, <i>дона</i>	-	8 900	8 200
3.	Дори сарф-меъёри, л (<i>кг</i>)/ <i>т</i>	-	0,4	4,0
4.	Дорининг нархи, <i>минг сўм</i> /л	-	350,0	300,0
5.	1 гектар дори учун сарфланган маблағ, <i>минг сўм/га</i>	-	140,0	1 200,0
6.	Ишлов хақи, <i>сўм/га</i>	-	100,0	100,0
7.	Ҳимоя учун жами харажат, <i>сўм/га</i>	-	240,0	1 300,0
8.	Кимёвий ишловлар сони, <i>марта</i>	-	1	1
9.	Ишлаб чиқариш харажатлари, <i>минг сўм/га</i>	30 000,0	30 000,0	30 000,0
10.	Жами харажатлар, <i>минг сўм/га</i>	30 000,0	30 240,0	31 300,0
11.	1 туп кўчатнинг нархи, <i>минг сўм</i>	2	2	2
12.	1 гектардан олинган кўчат нархи, жами қиймати, <i>минг сўм/га</i>	124 800,0	142 600,0	141 200,0
13.	Шартли соф фойда, <i>минг сўм/га</i>	-	17 800,0	16 400,0
14.	Ҳимояга сарфланган 1 сўмнинг оқланиши, <i>марта</i>	-	74,1	12,6
15.	Рентабеллик, %	-	741	126

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, манзарали дарахт уруғларини экишдан олдин илдиз чириши касаллигини олдини олиш учун самарали

фунгицидлар билан дориланса, соғлом кўчат етиштириб, энг юқори биологик ҳамда хўжалик ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Шу боис, Максим, 2,5% с.к. (100 кг уруғга 40 гр) ва Витавакс-200, 75% н.кук. (100 кг уруғга 400 гр) фунгицидларини манзарали дарахт уруғларини дорилаб экиш учун рухсат китобига киритиш учун таклиф берилди.

Тадқиқотда манзарали кўчат ва дарахтларнинг ўсиш даврида энг кўп учрайдиган доғланиш ҳамда ун-шудринг касалликларига қарши курашда яхши натижалар кўрсатган: Титул, 39% эм.к. – 0,02% (7-жадвал) ҳамда Альто Супер, 33% эм.к. – 0,03% (8-жадвал) фунгицидларининг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлиги ҳам таҳлил қилинди.

7-жадвал

Манзарали дарахтларнинг доғланиш касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги
(«Дархон» тажриба хўжалиги, 2017-2018 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар	
		Назорат	Титул, 39% эм.к. – 0,02%
1.	1 гектардаги кўчатлар сони, <i>дона</i>	19 800	28 500
2.	Саклаб қолинган кўчатлар сони, <i>дона</i>	-	22 340
3.	1 гектарга сарфланган дори миқдори (умумий экин майдонига нисбатан), <i>л</i>	-	0,4
4.	Дорининг нархи, <i>сўм/л</i>	-	950 000
5.	1 гектарга сарфланган дори учун маблағ, <i>сўм/га</i>	-	380 000
6.	Ишлов хақи, <i>сўм/га</i>	-	140 000
7.	1 марта химоя учун жами харажат, <i>сўм/га</i>	-	520 000
8.	Кимёвий ишловлар сони, <i>марта</i>	-	4
9.	Химоя учун жами харажат, <i>сўм/га</i>	-	2 080 000
10.	Жами харажатлар, <i>сўм</i>	70 000 000	72 080 000
11.	1 туп кўчатнинг нархи, <i>сўм/га</i>	15 000	15 000
12.	1 гектардан олинган кўчатларнинг жами қиймати, <i>сўм</i>	297 000 000	335 100 000
13.	Шартли соф фойда йиғиндиси, <i>сўм</i>	227 000 000	263 040 000
14.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, <i>сўм</i>	-	36 040 000
15.	Сарфланган 1 сўмнинг оқланиши, <i>марта</i>	-	17,5
16.	Рентабеллик, %	-	1 750

Кўриниб турганидек, бу ерда ҳам дарахтларни касалликлардан химоя қилиш ўз ижобий натижасини берганлигини кўрамыз. Дарахтларни ўз вақтида мавсумда 4 марта ишлов бериб Титул фунгициди ёрдамида химоя қилиш кўчатларни саклаб қолиш эвазига катта иқтисодий самара бериб, химоя қилиш учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 17,5 сўмлик фойда келтирган; ёки Альто Супер (4 марта ишланганида) ҳам 8,2 сўмлик кўшимча маҳсулот олишга имконият яратган (8-жадвал).

**Манзарали дарахтларнинг ун-шудринг касаллигига қарши қўлланилган
фунгицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги
(«Дархон» тажриба хўжалиги, 2016-2019 йй.)**

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар	
		Назорат	Альто Супер, 33% эм.к. - 0,03%
1.	1 гектардаги кўчатлар сони, <i>дона</i>	19 800	21 100
2.	Назоратга нисбатан сақлаб қолинган кўчатлар сони, <i>дона/га</i>	-	1300
3.	1 гектарга сарфланган дори миқдори, <i>литр</i>	-	0,6
4.	Дорининг нархи, <i>сўм/л</i>	-	650 000
5.	1 гектарга сарфланган дори нархи, <i>сўм/га</i>	-	300 000
6.	Ишлов хақи, <i>сўм/га</i>	-	140 000
7.	1 марта химоя учун жами харажат, <i>сўм/га</i>	-	530 000
8.	Кимёвий ишловлар сони, <i>марта</i>	-	4
9.	Химоя учун жами харажат, <i>сўм/га</i>	-	2 120 000
10.	Жами харажатлар, <i>сўм/га</i>	70 000 000	72 120 000
11.	1 туп кўчатнинг нархи, <i>сўм</i>	15 000	15 000
12.	1 гектардан олинган кўчатларнинг жами қиймати, <i>сўм</i>	297 000 000	316 500 000
13.	Шартли соф фойда йиғиндиси, <i>сўм</i>	227 000 000	244 380 000
14.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, <i>сўм</i>	-	17 380 000
15.	Сарфланган 1 сўмнинг оқланиши, <i>марта</i>	-	8,2
16.	Рентабеллик, %	-	820

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шароитида манзарали дарахтларда илк бор 4 та бўлим, 7 та синф, 11 та тартиб, 14 та оила, 31 та туркумга мансуб, 71 та тур ва 3 та шакл (форма) замбуруғлари аниқланди. Аниқланган замбуруғлар 21 та оила, 26 та туркумга мансуб, 33 та тур манзарали дарахтларда ривожланиши қайд қилинди.

2. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шароитида манзарали дарахтларнинг мавсумий ва хўжайин ўсимликда тарқалиш қонуниятлари, ҳамда манзарали дарахтларда тарқалган асосий касалликлар ўрганилди. Фаол фитопатогенлар гуруҳига илдиз чириш (кўчатханаларда), ун-шудринг ва ҳар хил доғланиш касаллигини кўзгатувчи замбуруғлар мансубдир.

3. Энг кўпчилик замбуруғ турлари *Salicaceae* (терақдошлар) оиласига мансуб ўсимликларда – 21 та замбуруғ тури, *Pinaceae* (қарағайдошлар) оиласига – 16 та, *Cupressaceae* (сарвидошлар) оиласига – 6 та ва *Fabaceae* (бурчоқдошлар), *Aceraceae* (зарангдошлар), *Oleaceae* (зайтундошлар) оилаларида – 5 тадан, *Caprifoliaceae* (шилвидошлар), оилаларида – 4 та, *Betulaceae* (қайиндошлар) оиласида – 3 та, *Rosaceae* (раънодошлар), *Boraginaceae* (бинониядошлар), *Caesalpinaceae* (бурчоқдошлар), оиласида – 2

тадан, қолган оила вакилларида 1 тадан потоген замбуруғ турлари учраши қайд этилди.

4. Тадқиқотларимиз давомида манзарали дарахтларнинг экилган уруғлари ҳамда униб чиққан ниҳолларида касаллик кўзгатувчи 5 та синф, 6 та тартиб, 8 та оила, 17 та туркумга мансуб 41 та замбуруғ турлари аниқланди. Уруғ ва ниҳолларда ҳавфлилиги жиҳатидан энг муҳими чириш касаллиги бўлиб, буни: *Fusarium oxysporum*, *F.sporotrichioides*, *Altenaria altemata*, *Botrytis cinerea* ва *Pythium debarianum* каби замбуруғ турлари кўзгатиши қайд этилди.

5. Виргиния арчасининг энг кенг тарқалган касаллик фузариоз сўлиш бўлиб, уларда 14 тадан 16 тагача замбуруғ тури иштирок этади. Бу касаллик билан ўсимликнинг ниҳол ва кўчат даврларида, барг ва пояси кўплаб касалланиши қайд этилди. Умуман манзарали дарахтларнинг касалликлар билан ниҳол ва кўчатлик даврида, аъзоларидан эса игна барг, барг ва пояси кучли зарарланиши қайд этилди.

6. Манзарали дарахтларда учрайдиган асосий касаллик турлари:
чириш (*Phytophthora cactorum*);
илдиз чириш (*Thelephora terrestris*);
игна баргларнинг тўкилиши (шютте) (*Lophodermium* sp.);
ун-шудринг касаллиги (*Erisiphe*, *Microsphaera*, *Uncinula*, *Phyllactinia*);
барг ва тана касалликлари (*Camarosporium meliae*, *Capnodium pini*, *Cladosporium magnoliae*, *Diplodia juniperi*);
доғланиш касалликлари (*Rhitisma acerinum*);
«Вертун» касаллиги (*Melampsora pinitorqua*);
елим раки (серянка) касаллиги (*Cronartium flaccidum*);
манзарали дарахтларнинг юқумсиз касалликлари (сўлиш, рангининг ўзгариши, барг ва новдаларнинг қуриши).

7. Манзарали дарахтларнинг илдиз чириш касалликларига қарши синаб кўрилган уруғ дорилагич фунгицидлар қаторидан энг юқори самара кўрсатган: Максим, 2,5% сус.к. (ҳар 100 кг уруғга 40 гр), Витовакс-200, 75% н.кук. (400 гр/100 кг), ҳамда Топсин-М, 70% н.кук. (150 гр/100 кг) амалий ишлатиш учун тавсия қилинди.

8. Манзарали дарахтларнинг ун-шудринг касаллигига қарши қуйидаги дорилар энг юқори самара берди: Титул, 39% эм.к. – 0,02% куюкликда, Колосаль Про, 50% эм.к. – 0,03%, Альто Супер, 33% эм.к. – 0,03%, Фалькон, 46% эм.к. – 0,035%, Флутрифул, 2,5% сус.к. – 0,03%. Оддийлиги ва арзонлиги бўйича Бардо суюқлиги (0,05-1%) ҳам манзарали дарахтларни ўсиш даврида учрайдиган касалликлардан ҳимоя қилиш учун ишлатилиши мумкин.

9. Дарахтларнинг доғланиш ҳам ун-шудринг касаллигига қарши юқори самара берган фунгицидлар ижобий баҳоланди, аммо кўрсатиб ўтилганларидан ташқари, Фалькон, 46% эм.к. – 0,035% куюқ. ҳам юқори самарали эканлигини кўрсатди.

10. Манзарали дарахт уруғини экишдан олдин Максим (0,4 л/т) ва Витавакс (4,0 кг/т) билан дорилаб экиш юқори иқтисодий самарадорликка эга

бўлиб, ҳимоя учун сарфланган ҳар 1 сўм, эвазига 74,1-12,6 сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

11. Манзарали дарахтларни ун-шудринг ва доғланиш касалликларига қарши кимёвий ишлов бериш (Альто Супер – 0,03%, Титул – 0,02%) ҳимояга сарфланган маблағни 8,2-17,5 марта қайтим билан ўзини оқлайди. Ҳимоя қилинган ҳар 1 гектар кўчатзордан назоратга нисбатан 17-36 млн. сўмлик соф даромад олинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХУРРАМОВ АЛИШЕР ГАЙРАТОВИЧ

**ГРИБНЫЕ БОЛЕЗНИ ДЕКОРАТИВНЫХ РАСТЕНИЙ В
ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ И ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ И МЕРЫ
ПО БОРЬБЕ С НИМИ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Qx172.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Холмуродов Эркин Авазович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Ходжаев Шамиль Турсунович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
лесного хозяйства

Защита диссертации состоится «30» июль 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 541178). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «6» июль 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер 091 от «3» апр 2020 года).



Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, к.с.х.н., профессор

М.М.Адилтов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире болезни декоративных растений широко распространены, в том числе наблюдается сильная вредоносность грибных заболеваний во всех странах Европы, в частности России, Украине, а также странах Центральной Азии. Особое внимание уделяется озеленению, благоустройству и лесоводству с учётом улучшения экологической ситуации, сохранения естественного биоразнообразия и улучшения санитарной обстановки населённых пунктов. Декоративные деревья имеют большое значение в сохранении экологического равновесия в природе, обеспечении чистоты воздуха в населённых пунктах, городах и сёлах, и, наряду с размножением адаптированных к определенным природно-климатическим условиям видов декоративных растений, применяемых в озеленении, важное теоретическое и практическое значение имеет защита их от вредных организмов, в частности, болезней.

В настоящее время в развитых странах мира, таких как Италия, Германия, Франция, США, Китай, а также странах СНГ, большое внимание уделяется изучению видового состава, биологических свойств, распространения и вредоносности основных грибных болезней декоративных деревьев (ржавчина, мучнистая роса, корневая гниль, септориоз, альтернариоз, фузариоз, пятнистости и др.) и разработка эффективных научно обоснованных мер борьбы против них. Внедрение проводимых научных исследований в практику считается на сегодняшний день одной из актуальных задач. Исходя из этого, необходима разработка экологически безопасной, эффективной и научно обоснованной системы борьбы против широко распространённых и опасных болезней на основе изучения их видового состава, биоэкологических особенностей, распространения и вредоносности.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4424 от 23 августа 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности лесопользования в республике» отмечены приоритетные задачи по «...разработке и внедрению защитных мер декоративных растений от болезней и вредителей»². В этом направлении особое значение имеет расширение научно-исследовательских работ по размножению видов декоративных растений, толерантных к вредителям и болезням, адаптированных к почвенно-климатическим условиям, а также разработка и внедрение в производство системы методов по предотвращению размножения грибных заболеваний. Важное значение имеет окультуривание новых для климатических условий Узбекистана видов декоративных деревьев и разработка системы защиты от широко распространённых на них грибных заболеваний.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

²Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева № ПП-4424 от 23 августа 2019 «О дополнительных мерах по повышению эффективности лесопользования в республике»

реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлении Кабинета Министров № 31 от 17 января 2020 года «О мерах по совершенствованию государственного учета и ведения мониторинга лесов», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

